Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 январь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кечаётган жараёнларга оид масалалар ушбу учрашувнинг бош мавзуи бўлди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ғ. Қ. Тешаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Қодирович Тешаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари Бош штаби бошлиғи вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 22 январь

Маҳсулотга Европа қизиқмоқда

Наманган вилоятидаги «Поп-Фен» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга тушганига ҳали кўп муддат бўлгани йўқ. Бироқ жаҳон андозаларига хос иш юритиши натижасида анча донг таратишга улгурди. Маҳсулотлари ҳам дунёвий андозаларга мос.

Яқинда корхона қиймати деярли 700 минг АҚШ долларига тенг бўлган юқори сифатли калава ипнинг дастлабки туркумини Бельгия ва Швейцарияга жўнатди.

Аслида «Поп-Фен» вилоятда пахта толасидан калава ишлаб чиқарадиган ягона корхона эмас. Аммо, «Поп-Фен» белгиси қўйилган калава иплар Европадаги бир қанча ривожланган давлатларда эътироф этилган.

Қисқаси корхона маҳсулотининг 80 фоизгача бўлган қисми экспорт қилинади.

Алим БЕК

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

«Бўжи келди, бўжи келди...»

Президент Лукашенконинг белоруссияликларни ва россияликларни гўёки Ғарбдан келаётган хавф-хатар билан қўрқитишининг боиси нимада?

Белоруссия ва Россия иттифоқи бугунги кунда юзага келган бир қутбли тажовузкор трансатлантик яккаҳокимлик билан том маънода баҳслаша оладиган яхлит кучга айланмоғи керак. Кечаги ҳафтанинг пайшанба куни Минскда бўлиб ўтган икки давлат иттифоқи Парламент Мажлисининг навбатдан ташқари сессиясида Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ана шу ҳақда баёнот берди.

Бунинг учун даставвал, икки мамлакат иттифоқининг ягона армиясини барпо этиш яқин истиқболдаги энг долзарб вазифалардан биридир, деб ҳисоблайди А. Лукашенко.

Кези келганда, «иккилик»нинг Белоруссия пойтахтида уюштирилган ушбу тадбири оммавий ахборот воситалари томонидан киноялари тарзда собиқ компартия съездларига қиёсланганлигини қайд этиш жоиз. Ўша-ўша сессия бошланиши олдидан совет иттифоқининг гимни янграйди. Ленин вафотининг 75 йиллиги муносабати билан бир дақиқалик сукут сақланади. Америка империализми «кирдикор»ларини «фош этувчи» нутқлар ирод этилади. Дарҳақиқат, ҳамма-ҳаммаси «таниш» ва «қадрдон» даврларни эсга оладиган ҳолатлар.

Умуман, Белоруссия Президентининг Белоруссия ва Россия иттифоқи доирасидаги ҳарбий-сиёсий интеграциявий жараёнларга урғу берилган «ўзига хос» фикрлари сўнгги пайтларда бот-бот қулоққа чалиниб турибди. Дейлик, янги йил арафасида ана шу масала бўйича қарашларини миллий телевидение орқали баён қилар экан, Лукашенко «иккилик» иттифоқининг бўлажак раҳбарияти зиммасига, асосан, ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш, мудофаа ва чегараларни қўриқлаш каби вазифаларни топшириш кераклиги хусусида алоҳида мулоҳаза юритганди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай туриб, унинг ўзи худди ўша соҳалар бўйича «янги ташаббус»ларни ўртага ташлашга астойдил киришгани Лукашенконинг иттифоқ раҳбари бўлиш учун таъмагирлик қилаётганидан далолатмасмикан, деган фикр беихтиёр кўпчиликнинг хаёлидан кечиши табиий. Йўқса, Белоруссия президенти ўз мамлакати фуқароларини, қолаверса, россияликларни ҳам гўёки Ғарбдан бостириб келаётган хавф-хатар билан қўрқитишдек «шўроча» усулдан унумли фойдаланишга уринаётганини нима билан изоҳласа бўлади?

Дарвоқе, ўшанда у собиқ шўро республикалари, хусусан Белоруссия ҳудудидан ядровий қуролларнинг олиб чиқиб кетилиши хато бўлганлиги ҳақида ҳам «куйиб-пишиб» гапирди. Ваҳоланки, жаҳон жамоатчилиги ўз вақтида бу воқеани «совуқ уруш»дан йироқлашиш ва умумбашарий тинчлик сари интилиш йўлида қўйилган улкан амалий қадам сифатида юқори баҳолаган эди.

А. Лукашенко ядровий қуроллардан маҳрум бўлишликнинг тарихий хато, хавфсизликни сақлаш жабҳасида йўл қўйилган жиддий камчилик эканлигини яна бир мисолда, яъни НАТОнинг «ҳаддидан ошиб кетаётганлигида», жумладан, мазкур ташкилотнинг Шарққа томон бемалол кенгайиб бораётганлигида ҳам кўради. Шундай экан, Лукашенконинг фикрича, ядро қуролига эга бўлган Россия билан иттифоқдошлик Белоруссия учун хавфсизлик кафолати сифатида хизмат қилади.

Лукашенконинг айтишича, Витебск районида дунёнинг исталган нуқталарига исталган пайтда мустақил равишда ядровий ҳамла уюштириш имкониятига эга бўлган стратегиявий ҳарбий қисмлар жойлашган кезларда Ғарб ядро қуроли бор республикаларни ҳурматлашга, улар билан муомала қилишга, ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолашга мажбур эди. Мазкур ҳудудлардан ядро қуроллари олиб чиқиб кетилган фурсатдан бошлаб биз билан ҳеч ким ҳисоблашмай қўйди, дейди Белоруссия Президенти.

Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган ва бу йўлда муайян муваффақиятларга эришаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг кўпчилиги бу жабҳада тинчлик-барқарорлик шароитида тараққиёт сари бориш сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари диққатга лойиқдир. Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ойида Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов Ашгабаддаги ўзаро олиймақом учрашувлари чоғида XXI аср тинчлик ва дўстлик асри бўлиши кераклигини яна бир карра эътироф этдилар. «Ҳарбий миллий ва диний асосларда турли иттифоқлар тузмаслик бобида бизнинг Украина билан фикрларимиз уйғундир, деди ўшанда С. Ниёзов.

Ҳатто, «тўртлик» иттифоқига аъзо Қозоғистоннинг Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам ўз мамлакати «иккилик»ка ўхшаган иттифоқларга ҳеч қачон қўшилмаслигини кескин маълум қилди. Қозоғистон Президенти ўзининг давлат раҳбарлигига қайта сайланганидан сўнг ўтказилган дастлабки матбуот анжуманида Белоруссия ва Россия иттифоқи ғояси мубҳам ва тушунарсиз эканини ҳамда бу интилишлардан «жиддий ишга нисбатан кўпроқ сиёсатбозлик ҳиди келиб турганини» очиқ-ошкора айтди.

Агарда Н. Назарбоев ана шундай аниқ ва тўғри фикрга илгарироқ келганида, Қозоғистон ўтган йиллар ичида турли «иттифоқ»ларнинг эшикларини беҳуда қоқиб юрмаган бўлармиди? Аммо, ҳар ҳолда, «ҳечдан кўра кеч» деган мақол ҳам бор-ку!?

Ўтган йилнинг декабрь ойида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински ўзларининг Тошкентда ўтган олий даражадаги учрашувлари чоғида МДҲ доирасида ҳарбий ёки сиёсий блок тузишни маъқулламасликларини билдирдилар.

Албатта, ушбу масалага Ўзбекистоннинг муносабати авваллданоқ очиқ-ойдин. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида бу ҳақда: «Мустақил Ўзбекистонни ташвишга солаётган асосий стратегик масала — эски империяни қайта тиклашга йўл қўймаслик масаласидир», дейилади. Ана шу тамойилга амал қилган ҳолда, мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик йўлидан оғишмай бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 26 январь, сешанба • № 10 (24.405).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 26 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	70,25
1 Австрия шиллинги	9,37
1 Англия фунт стерлинги	184,00
10 Бельгия франки	31,95
1 Голландия гульдени	58,49
10 Греция драхмаси	4,01
1 Дания кронаси	17,36
1 БАА дирхами	30,27
1 АҚШ доллари	111,18
1 Миср фунти	32,65
10 Испания песети	7,75
100 Италия лираси	6,66
1 Канада доллари	73,22
1 Хитой юани	13,43
10 Люксембург франки	31,95
1 Малайзия рингити	29,26
1 Германия маркаси	65,90
1 Польша злотийси	30,94
1 СДР	155,83
1000 Туркия лираси	0,34
1 Финляндия маркаси	21,68
1 Франция франки	19,65
1 Швейцария франки	80,66
1 ЕВРО	128,89
10 Жанубий Корея вони	0,94
10 Япония иенаси	9,72
1 Россия рубли	4,89
1 Украина гривнаси	32,44
1000 Белорусь рубли	0,85
1 Латвия лати	195,40
1 Литва лити	27,80
1 Молдова лейи	12,76
1 Қирғизистон соми	3,67

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистоннинг тўнғич спорт машинаси

❖ Икки юз беш от кучига эга бўлган машина
❖ Германия — Италия йўлида муваффақиятли синов

Ўтган ҳафтанинг шанба куни Ўзбекистон автомобилсозлиги тарихида муҳим саналардан бири бўлиб қолади. Худди шу куни ЎзДЭУ автокорхонасининг яна бир янги маҳсулоти — «Нексия» русуми билан тайёрланган спорт машинасининг тақдимот маросими бўлди.

«Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмасининг янги бунёд этилган «Роҳат» автосалони муҳташам биноси байрамона тус олди. Бу ерда Ўзбекистон автомобилсозлари, шу соҳа мутахассислари, спортчилар ва ишқибозлар тўпланишди. Янги машина намойиш этилиши шарафига бағишланган маросимда «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти стратегик режалаштириш департаменти директори Жаҳонгир Мавлоний, Тошкент автомобиль йўллари институти ректори Сарвар Қодиров, Ўзбекистон автомобиль спорти федерацияси президенти Сергей Мукурдинов, «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси раиси Юсуф Асилов автомобилсозларнинг янги муваффақияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Шундан сўнг, янги машина устидаги ғилоф оҳиста туширилади. Бино ўртасида гўёки парвозга шайланган оққушдек товланаётган янги спорт машинаси намоён бўлади. Автомобиль спорти бўйича Ўзбекистон пойгаларининг бир неча бор чемпиони, спорт усталигига номзод Шерзод Жумаев олқишлар остида машина рулига ўтириб, уни ўт олдиради. Гувиллаган моторнинг янгроқ овози бутун атрофга таралади. Машина оҳудек енгил илдамлайди ва катта йўлга чиқади. Синовчи ва тажрибали ҳайдовчи бутун томошабинлар кўз ўнгида машинани катта йўлда бир неча бор елдек учириб ҳайдайди.

— Бу машина қўлимга жуда мос тушди. Сифатига гап йўқ. Моторида икки юз беш от кучи бор. 100 километр масофага 20 литр ёнилғи сарфлайди, — дейди Ш. Жумаев.

— ***Сиз бу машинани Европа йўлларида ҳам синаб кўрдингиз. Натижаси қандай бўлди?***

— Германия ва Италия оралиғида беш минг километрли масофани қилт этмай босиб ўтди. Синов жуда яхши бўлди. Европадаги ҳамкасбларим бу машинага муносиб баҳо беришди ва катта қизиқиш билдиришди.

Ўзбекистоннинг «Нексия» русумли янги машинаси Италиянинг «Каренини» фирмасида тажрибали мутахассислар маҳорати билан спорт мусобақаларига мослаштирилди. Янги машинамиз шу йилнинг ўзида Россияда бўладиган автомобиль ралли мусобақаларида қатнашади. Келгуси йил эса Европа мусобақаларига чиқиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистонимизнинг янги спорт машинаси яратувчиларига балли деймиз ва бу машинанинг истиқболи порлоқ бўлиши учун оқ йўл тилаймиз. Парвозинг баланд бўлсин, серқуёш ўлканинг қалдирғоч спорт машинаси!

Абдулла ПЎЛАТОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Суратда: Ўзбекистоннинг тўнғич спорт машинаси тақдимотидан лавҳа.

Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат

Журналист текшируви

Тангрига тўнкаш

Балиқчи туманида ўтган йили жами 57471 тонна дон ишлаб чиқарилиб, давлатга 23963 тонна ҳосил топширилди. Ҳар гектар ердан туман бўйича 82,8 центнердан буғдой олинди.

Кўкламдан кузгача туман пахтазорларидан тажриба ўрганувчиларнинг қадами узилмади. Катта йиғинларда далалардаги ғўзалар ривожи, ҳосил салмоғи зўрлиги таърифланди. Бажарилган ишлар бошқаларга намуна қилинди.

Балиқчида пахта ҳосили зўр дейиш, мақтовга мақлиёлик йиғиндан йиғинга кўчди. Балиқчи тумани ҳокими Одилжон Абдураимов бир йиғинда ҳар гектар пахтазордан 40 центнердан ҳосил яратилди деб катта кетди.

Ҳоким ҳақ бўлса кошки эди. Одатда деҳқончилик таомилига кўра пахта йиғим-терими бошланишида мутахассислар томонидан ҳосил чўғи чамаланади. Анъанага амал қилиниб тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахтазорларининг ҳар гектарида етилган ҳосил мўлжаллаб кўрилганида 40 центнер эмас, 15-16 центнерга тўғри келаётганини билдирган мутахассисларнинг хулосаси ҳисобга олинмади.

Вақт ҳақиқатни юзага чиқарди. Пахта йиғим-терими мавсуми якунидаги натижа мутахассис нақадар холис, тўғри хулоса чиқарганини тасдиқлади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида пахта топшириш режаси 68 фоизда қолиб кетди.

Баҳор, ёзда ғўзаларнинг баравжлиги, ҳосил зиёда тўпланганлиги такрор-такрор айтилган бу туманда кимнинг қандай ишлагани аниқ кўринди. Икки жамоа хўжалигидан ташқари қатор хўжаликларда пахта тайёрлаш режалари бажарилмади. «Олимбек» жамоа хўжалигида давлатга пахта сотиш 68 фоизга борган бўлса, «Сиза», Охунбобоев номли, Навоий номли, «Ғалаба» номли жамоа хўжаликлари марранинг етмиш фоизидан ўтишолмади. «Пахтакор», «Намуна», Улуғбек номли, Бобур номли, А. Мўминов номли жамоа хўжаликларида йиллик режалар саксон фоиздан сал ошдию, «Бўстон» ширкатлар уюшмаси, «Шераличек» жамоа хўжалигида бу кўрсаткич тўқсонда таққа тўхтади. Туман бўйича 34 минг 122 ўрнига 27 минг 700 тонна пахта тайёрланди. Ёки белгиланганидан 6422 тонна пахта кам топширилди. Сўз ва иш бирлиги таъминланмади. Мақтов муваффақият келтирмади. Сувнинг бетидаги кўпик мисоли изсиз йўқолди.

Таърифи тилдан тушмаган бу туманда пахта тайёрлаш режаси аро йўлда қолган пайтда ерлари бири бирига туташ, қўшни Олтинкўл, Шаҳрихон туманларида режалар барвақт, ошириб бажарилди. Муваффақиятлар мустаҳкамланди. Тупроқ-иқлим шароитига мос пахта нави танланиб, агротехника қоидаларига риоя этилди, «Андижон усули» пахтачилик истиқболи эканини амалда исботладилар.

Қўшни туманлар вилоятда пешқадам бўлган чоғда Балиқчи туманида пахта топшириш режаси нега бажарилмади? Шу савол билан Балиқчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мадаминжон Йўлдошевга мурожаат қилганимизда у «Худо бу йил бермади», дея жавоб қилди. Бу жўяли жавоб эмас. Йўл қўйилган камчилик ва хатоларни таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқариш ўрнига Яратгани бермади дейиш мусулмончиликка тўғри келмас. Худо ҳам ҳаракат қилганларга баракат беради дедилар-ку!

Режа бажарилмагани, 6422 тонна пахта кам топширилгани қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг сустлиги, деҳқонлар манфаатдорлигига қанчалар зарар келтириши Йўлдошевни шу соҳа мутасаддиси сифатида жиддий ўйлантириши керак эди. У бўлса ҳаммасини Тангрига тўнкаб турибди.

Миришкорлар деҳқончиликда сифатли, тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, эртапишар, ҳосилдор, саноатбоп пахта нави уруғлигини тўғри танлашга катта эътибор берадилар. Балиқчи туманида бу борада ўтган йили ўзига хос «бурилиш» қилинди. 7 минг гектар ерга пахтанинг «Юлдуз» нави Қашқадарёдан келтирилиб экилди. Қандай натижага эришилганини тумандаги «Шераличек» жамоа хўжалиги мисолидаги таҳлил яққол намоён этади. Бу жамоа хўжалигининг «Юлдуз» нави ўстирилган 301 гектар майдонининг ҳар гектаридан 27,8 центнердан ҳосил олинди. «Фарғона-3» нави ғўзалари парваришланган 104 гектар экинзорнинг ҳар гектаридан эса 29 центнердан пахта йиғиштирилди.

Бир неча йил аввал туманнинг «Бўстон» хўжалиги далаларида «Юлдуз» нави чигити экилганини кўпчилик эсласа керак. Ана ўшанда бошланган «Юлдуз» тажрибаси туман миқёсига ёйилишининг бирор сабаби бормикин?

Андижонлик малакали мутахассисларнинг «Юлдуз» нави ҳақидаги фикрлари аниқ. Кўп йиллардан буён пахта ўстирилиб келинаётган далаларга бу навни экиб қўнгилдагидек натижага эришиш мушкул. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори истиқболли, эртапишар, серҳосил, толадор пахта навларини танлаш ва эқишда оқилона иш тутишга кафолат бўлади.

Кўп соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ишнинг ривожини таъминлаши амалиётдан аён. Кейинги йилларда Балиқчи туманида жамоа хўжаликлари раислари фаолиятини изчил, чуқур ўрганилмай алмаштириш авж олди. «Олимбек» жамоа хўжалиги раиси бир йилда бир неча марта ўзгарганлиги туман ҳокимлигининг раҳбар кадрларга бўлган масъулиятсиз муносабатда бўлаётганига мисолдир. Раҳбарларни бундай янгилаш усули пахтачилик ва бошқа соҳалардаги қолоқликни кучайтирди. Ислоҳотчилик, ишни тўғри ташкил қилиш ўрнини хўжакўрсинчилик эгаллади.

Энг ачинарлиси туманда қариндош-уруғчилик иллати томир ёйётганлигидир. Бўлмаса Балиқчи тумани ҳокими О. Абдураимов қариндоши Б. Абдураимовни Навоий номли жамоа хўжалиги раислигига кўтарармиди? Жамоа хўжалигида якунланган йилда пахта топшириш режасининг бажарилмагани янги раис тўғри танланмаганини кўрсатмайдими?

Юртбошимиз халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик иллати ҳақида «биз бу муаммонинг нақадар мураккаб ва хавфли эканини тушунамиз, дарҳол унинг олдини олишимиз зарур. Чунки, бу йўлга кирган раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш юришмайди, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади» деб куюниб гапирдилар. Бундан тўғри хулоса чиқариш фурсати етди.

Қишлоқ инфратузилмасини ўзгартириш, маҳаллалар ободлиги, одамлар эҳтиёжини ҳисобга олиш, янги ишчи ўринлари яратиш, келажагимиз эгалари бўлган болаларни ҳар томонлама баркамол, соғлом бўлишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир. Балиқчи туманида бу йўналишдаги ишларнинг бажарилганларидан бажарилмаганлари бисёр. Бир мисол. «Олимбек» жамоа хўжалиги марказида аввал ишлаган раҳбарларнинг саъй-ҳаракатларию жонкуярлиги билан қўшқаватли чойхона қурилган, яқинида эса болалар учун ҳаракатланувчи поезд ўйини ишга туширилганди. Ўшанда ота-оналару болакайларнинг шодлигига шодлик қўшилганди. Лекин ҳозир бу болалар ўйинчоғи ўрнатилган майдонда бетон тагламалар турибди, холос. Бирмунча маблағ сарфланиб бунёд этилган ўйинчоқлар жамламаси қаёққадир ғойиб бўлганини кўпчилик билолмай ҳалак. Ҳар қалай бу аҳвол мамлакатимиз Президентининг «Янгисини қурмай туриб эскисини бузманг» деган ўгитига амал қилинмаганидан, юртбошимиз ёшлар, фарзандлар тақдирига жиддий қайғураётган пайтда Балиқчи туман ҳокимлиги томонидан олимбеклик болаларнинг манфаатига эътиборсизлик билан қаралганидан дарак беради.

Балиқчи тумани пахтачиликдагина эмас, кредиторлик-дебиторлик қарзлар, ишсизлар салмоғи жиҳатидан ҳам вилоятда «пешқадам» ўринни эгаллаб тургани афсусланарли. Эски замон асоратларидан халос бўлиш жараёни оғир кечяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Буюк Британия

АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг музокараларида Косоводаги вазият муҳокама қилинди. Улар яна можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш имкониятларини кўриб чиқишди ва уни сиёсий томондан ҳал этиш йўлларини маслаҳатлашиб олишди. Олти давлатдан иборат гуруҳнинг юқори мартабали вакиллари кеча Лондонда Косово муаммосини муҳокама қилишди. Лекин можаронинг асосий масалалари ҳал қилингани йўқ.

Руминия

Норозилик билан чиққан румин шахтёрлари уларнинг Бухарестга бораётган йўлларини тўсиб чиққан полиция билан тўқнашиб кетишди. Минглаб полициячилар Руминия марказидаги Хорезу шаҳридан узоқ бўлмаган жойдаги катта кўчада намойишчиларнинг йўлини тўсиб туришди. Шахтёрлар тўсиқлар орқали ўтишга интилмоқдалар. Шунингдек, полициячиларга қарши тош отишмоқда. Улар эса ўз навбатида кўздан ёш оқизувчи газ ва таёқларни ишга солмоқдалар. Бир неча киши ярадор бўлди. Шахтёрлар ҳукуматнинг музокаралар юритиш ҳақидаги навбатдаги таклифини рад этишди. Ҳукумат вакиллари огоҳлантириб айтишдики, агар намойишчилар Бухарест томон сафарларини давом эттирадиган бўлса, у ҳолда хавфсизлик кучлари ўз бурчини бажариши мумкин. Куни кеча Руминия ички ишлар вазири истеъфога чиқарилди.

Германия

Германия канцлери Герхард Шредер жаҳондаги қашшоқ мамлакатларнинг қарзларини қисқартириш ёки умуман йўқ қилиб юбориш ҳақидаги ташаббус билан чиқишди. Ушбу ташаббуснинг қўллаб-қувватланишига шу йилнинг июнь ойида ривожланган илғор мамлакатларнинг учрашувида эришмоқчи. «Би-би-си»нинг хабарига кўра, Шредернинг таклифи Германия сиёсатининг жиддий ўзгарганлигига далилдир. Агар бу таклиф қабул қилинса, дунёдаги 40 дан зиёд мамлакат манфаатдор бўлади.

***

Германияда «Яшил ҳафталик» қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро кўргазмаси бошланди. Унда дунёнинг 57 мамлакатидан 1500га яқин фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш қилади. Кўргазмада 500 мингта яқин киши иштирок этиши кутилмоқда. Мамлакатда олтмиш тўртинчи марта ўтказилаётган бундай тадбир илк бор 1926 йилда ташкил этилган эди.

Ислоҳот ва масъулият

Фидокорлик меҳнатда намоён

- *«Шарқ» ишчи-хизматчиларининг ўртача ойлик маоши 12 минг сўмни ташкил қилади.*
- *Янги йил арафасида шаҳар марказида 28 хонадонли янги уйнинг калити «Шарқ»нинг фидойи ишчи-хизматчиларига тегди.*
- *1998 йил концерн 1 миллиард 49 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.*
- *Йиллик ўсиш суръати 27,8 фоизни ташкил қилди.*
- *1999 йилда яна 100 хонадонли уй битказилади.*

Кечаси билан тинимсиз ишлайдиган корхонани биласизми? Бу новвойхона ҳамда газеталарни чоп этадиган босмахонадир. Ҳар тонгда маърифатсевар халқимизга нондек зарур газета-журналлар етказиб бериш учун туни билан тиним билмай ишланади. Эрталаб дастурхонингиз теграсида маънавият озуқаси — газета бўлиши, кишига фақат яхши кайфият бағишлайди. Ёки ишга кетаётиб, газета дўкони ёнидан ўтаётганингизда беихтиёр дидингизга маъқул газета олганда босмахона бўёқлари анқиб турган рўзноманинг машаққатлар меваси эканини ҳис этсангиз, ажабмас.

Республикамиздаги энг етакчи, матбаачиликнинг тугал мажмуаси бўлмиш «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат аҳли ўз корхонасини қадрдон гўшасидай, қутлуғ остонасидай суяди. Таъбир жоиз бўлса, «Шарқ»нинг ҳар бир фидойи вакили босмахонанинг шаъни, манфаати, қудрати учун курашадиган, уни кўз қорачиғидай асрай оладиган кишилар. Зеро, назаримда Ватан учун фидойилик аввало, ўз касбингга, ишингга, меҳнат қиладиган даргоҳингга бўлган меҳрдан озуқа олади. Ватан учун фидойилик ҳозирги янги иқтисодга ўтиш даврида қуруқ гап билан эмас, Президентимиз таъкидлаганларидек, аввало меҳнатда кўринмоғи лозим. Фақат фидойи иш, масъулиятли меҳнатгина юртни обод этади. Жамоамизнинг ҳар бир ишчи-хизматчисини ана шундайлардан деб биламан ва уларнинг ҳар бирини қадрлайман.

Якунланган йил асосан баракали бўлди. Албатта, муаммолар ҳам борми, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, матбаачиликда қўлланиладиган хомашё — қоғоз, картон, бўёқ, офсет пластинаси, химикатлар, уларнинг қарийб 90 фоизини чет давлатлардан сотиб олаяпмиз.

Босмахонамизда чоп этилаётган газета-журналларнинг гарчи сони кўпайса-да, уларнинг умумий ададини камайиб бораётгани салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамай 80 дан ошиқ газета, 60 дан ошиқ журналнинг сифатли, кўркам қилиб ўқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш вазифамиздир. Буни нечоғли уддалаётганимизни ўқувчилар бошқа нашрлар билан қиёслаганда сезарлар.

Фаолиятимизнинг муҳим бир қирраси китоб нашрчилигидир. Шу вақтгача «Шарқ» кўркам қиёфада нашр этилган бадиий китоблари билан эътибор қозонган бўлса, кейинги йилларда ўқув қўлланмалари, дарсликлар чоп этишга ҳам бош қўшди. Бу билан фарзандларимиз учун сифатли, дидли, арзон дарсликларни юзага келишига ҳам ҳиссамизни қўшаяпмиз. «Умумий биология» (11-синф), «Ўзбекистон тарихи» (11-синф, 6-синф) «Иқтисод алифбоси» (1-,2- синфлар) шулар жумласидандир.

Шунингдек, Олмониянинг «Вейстрайд» фирмаси билан ҳамкорликда «Шарқ таълими» қўшма корхонасини тузилиши айни муддао бўлди. Москвадан дафтар ишлаб чиқарадиган линияни келтириб, ишга туширдик. Болаларимиз арзон дафтарларни «Шарқ зиёкори» китоб дўконимиздан сотиб олишлари мумкин. Бундай дўконлар 3 тага етган. Китоб дўконлари бошқа шаҳарларда ҳам бор. Одатим бўйича қаерга борсам китоб дўконига бир назар ташлайман, мақтаниш эмас-у, бизнинг дўконлардагидай китобга меҳр-эътибор, муносабат, керак бўлса, уларга яратилган қулайликни бирор дўконда кўрмадим.

Китоб дўконини Самарқандда ҳам ташкил қилаяпмиз. Самарқандда шаҳар ҳокими Азиз Носировнинг хайрихоҳлигида нусха кўчирувчи «Ўзбекксерокс» қўшма корхонамизнинг филиалини ҳам очаяпмиз. Фирма дўконлари-ю, филиалларимизни бошқа вилоят марказларида ҳам очиш ниятимиз бор.

Матбаачилик ускуналарини ҳам янгилаб туриш, созлаш, жиҳозларини алмаштириш эътиборталаб иш. Янги авлод компьютерлар, принтерлар, сканерлар, турли

1

текширувлар аввало инсонийликни қадрлашга қаратилса, самимийлик бўлса маҳсулот яратувчи янада фаолроқ, самаралироқ ишларди. Ўз ишидан ҳузур, маънавий рағбат топарди. Қолаверса, солиқларни мунтазам, ўз вақтида, намунали тўлайдиган, давлатга кўпроқ солиқ тўлаётган корхоналарга муайян имтиёзлар яратиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Ушбу ташкилотларни иши муҳтарам Президентимиз кўп бор таъкидлаганларидек, фақат текширувдан иборат бўлибгина қолмай, шу аснода корхоналар фаолиятига тўғаноқ бўлаётган муаммоларни ечишда уларга кўмаклашиш, солиқ тўловчиларни янада фидойилик билан, ташаббускорлик билан ишлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, солиқ салмоғини ошириш билан бир қаторда ишчи-хизматчиларнинг турмуш фаровонлигини янада юқори бўлишига шароит яратиб бериш бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда «Шарқ»нинг асосий ютуқлари сири, босмахонамиз ривожининг аниқ сабаб ва омиллари кўпчиликни қизиқтиради.

Асосий омил бу корхонамизда миллий кадрлар тайёрлашга, уларни тўғри тарбиялашга жиддий эътибор берилади. Ҳар бир мутахассис энг аввало юксак даражадаги профессионалга айланиши, фидойилик билан ишлаши учун нимаики зарур бўлса ҳаммасини ўз вақтида амалга ошириш энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Ёш мутахассислар билан ишлаш, мураббийлик анъаналарини кўпчилик эскича иш услуби дейди. Мен бунга қўшилмайман. Устозшогирдлик ҳеч қачон эскирмайди, қайтанга унга эътибор берилган жойда ҳар вақт ишда унум, барака бўлади.

Шу маънода Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инженерлари институти раҳбарияти билан ҳамкорликда ташкил этилган полиграфия факультети талабалари юқори курсларга ўтганда ҳафтанинг тенг ярмини корхонамизда бевосита ишлаб чиқариш дастгоҳлари ёнида ўтказишади. Назарий билимлар амалиётда синаб кўрилади. Шу зайл ёш матбаачи мутахассислар етиштиршдек муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз, шу билан бирга «Шарқ»нинг эртанги авлодини етук даражада тайёрлаб боряпмиз.

Яна бир янгилик. Бизда ишлаб чиқаришнинг тезкор технологияси жорий этилган. Унга кўра корхонамизда чоп этиб беришга топширилган буюртма — у хоҳ мураккаб кўп рангли альбом бўлсин, хоҳ оддий китоб бўлсин, барча жараёнларнинг мунтазамлиги, узвийлиги ва тезкорлиги таъминланган.

Айтганимдек, асосий хомашёни чет эл фирмаларидан сотиб олишга тўғри келади. Бунга лозим бўлган чет эл валютасини давлат томонидан ажратиб берилганидан сўнг зарур ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини ихчамлаштириш, худди шундай божхона ишлари билан боғлиқ бўлган жараёнларни ҳам тезлаштириш ижобий натижаларга олиб келади.

Янги йилдаги режаларимиз янада улкан. Корхонамизда жорий этилган тезкор технологияга асосан замонавий маҳсулотлар тайёрлайдиган иш участкалари очамиз, сифатини янада ошириш устида муттасил изланяпмиз. Ҳозирда ишлаб чиқариш қувватларимизнинг қарийб 85 фоизидан 1 сменада фойдаланаяпмиз, холос. Ўрнатилган тезкор машиналардан унумли фойдаланиш, маҳсулотимизга ўсиб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда босмахонамизда икки сменалик ишни тўла жорий этишни режалаштираяпмиз. Газеталарни кўп рангларда чоп этиш жараёнларини ўзлаштириш билан боғлиқ таклифларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, журналларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича пухта режа ва синалган технологияларни татбиқ этамиз.

Халқимиз дидли ва талабчан. Мақсадимиз китобхонларни уларни дидига мос, юксак

3

электрон техникаларини сотиб олиш тадбирлари доимий назоратда. Олмониянинг машҳур «Хейдельберг» фирмасидан 4 рангли офсет босма машинасини харид этиш устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Буни амалга оширгач, мавжуд техника қувватларидан қўшимча 20 фоиздан ошиқ фойдаланиш имконияти туғилади. Бу билан чоп этаётган барча босма маҳсулотлар ҳажми ва сифати янада ошади. Маҳсулотлар эса кўп — улар оддий таклифномадан тортиб, гулқоғозлар, дипломлар, шаҳодатномалар, қимматли қоғозлар билан бир қаторда турли-туман ёрлиқларни чоп этишдан иборат. Маҳсулот қайси турда бўлишидан қатъи назар, талаб битта — аъло сифат, арзон нарх, қисқа муддат.

Қаердаки «Шарқ» ҳақида гап кетса, ижтимоий соҳанинг аҳволи ҳақида ҳам сўз айтилади. Бу бежиз эмас. Ишчи қаерда фидокорлик қилса, изланиб, имкониятлардан унумли фойдаланса, корхона юзи, жамоадошлар ўртасидаги қадр-қиммат ҳам шунга яраша бўлади. Ишчи-хизматчиларнинг маошлари ошиб, турмуш шароитига, соғлиғига, дам олишига эътибор бор корхонада, кўзланган марраларни забт этишда собит қадамлар ташланади. Маош ўз вақтида берилади, мукофот пуллари иш сифатига қараб. Дам олиш уйи, болалар оромгоҳи, санаторий-профилакторийлар доим ходимларимиз хизматида. Яқинда шаҳар марказида 28 хонадонли кўп қаватли уй қуриб битказилди. Бахтли хонадон соҳиблари байрамни янги уйларда нишонлашди. Бу йил яна битта — Паркент бозори қошисида 100 хонадонли уйни ўз эгаларига топширамиз. Ҳозир корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ўртача ойлик маошлари 12 минг сўмни ташкил этади. Бу чегара эмас, мўлжалдаги режалар амалга оширилса, фаровонлигимиз янада зўр бўлади.

Ўтган даврга бир назар ташласак, ҳамма гап меҳнатнинг ижобий ташкил этишнинг афзалликларига келиб тақалади. Агар 1997 йили 821 миллион сўмлик босма маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, 1998 йилни улкан марра — 1 миллиард сўмлик довондан ўтиб, йилни қувончли натижалар билан якунладик. 1 миллиард 49 миллион сўмлик босма маҳсулот ишлаб чиқардик. Улардан 169 миллион сўмликдан ортиқроғи турли-туман халқ истеъмол моллари — идора, иш қоғозлари, блокнот, ён дафтарча ва бошқалар. 185 миллион сўмлик ранг-баранг китоб маҳсулотлари, 16 миллион сўмлик гулқоғозлар ва ҳоказо. Барча турдаги 311 миллион сўмдан ошиқ солиқлар тўладик.

Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп солиқ тўладик, дегани. Айни пайтда шуни ҳам айтмоқчиманки, бизда солиқ тизими энди қад ростлаяпти, у истиқлолимизнинг, мустақил юрт иқтисодини ривожлантириш, давлатнинг мустаҳкам ва қудратли бўлишини таъминловчи муҳим воситадир. Афсуски, ҳали кўплаб ташкилот ва корхоналар раҳбарлари буни чуқур ҳис қилмаяптилар чоғи, солиқларни ўз вақтида тўламай, охир-оқибат мамлакат иқтисодига зарар келтирмоқдалар. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳам корхона раҳбарининг маънавий қиёфасини, дунёқарашини, давлат, жамият нуқтаи назаридан фикрлашини ифодалайди. Биз тўлаётган солиқлар юрт ободлиги учун хизмат қилишини англаб етиш вақти келди.

Шу билан биргаликда «қарс икки қўлдан чиқади» деган гап ҳам бор.

50 йиллик меҳнат фаолиятим мобайнида назорат ва солиқ идоралари иш услуби билан кўп бор тўқнаш келган киши сифатида амин бўлдимки, назорат органлари, солиқ идоралари ҳам ўз фаолиятларини, турли-туман текширувларни маҳсулот яратувчига, меҳнат кишисига ҳурмат асосига қурсалар, улар тимсолида энг аввало юрт фидойиларини кўришга ҳаракат қилсалар айни муддао бўлади. Корхоналар фаолиятига асоссиз шубҳа билан қараш, гумонсираш, олдиндан салбий хулосаларга ўзини чоғлаб келиш корхонадаги умумий ишчанлик, ижодий руҳни ва ташаббускорликни сўндиради. Демоқчиманки,

2

бадиий ва замонавий матбаа ижросидаги адабиётлар билан хушнуд этиш.

Ўтган йили буюк аллома боболаримиз Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига атаб чиқарган рангли китоб ва альбомларимиз жаҳон миқёсида эътироф топган бўлса, бадиий ижод мухлисларига Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим», Муроджон Мансурнинг «Жудолик диёри», Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий», Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» каби асарларини тақдим этдикки, булар ҳам ўзининг кўркам ва нафислиги билан жаҳон андозалари талабига жавоб беради.

Бу йил нашр этмоқчи бўлган китобларимиз рўйхати, анча салмоқли ва залворлидир. «XX аср ўзбек қиссалари» туркумини нашр қилишга, «Сайланма» туркумини давом эттиришга чоғланиб турибмиз ва китобхонларга манзур асарларни нашр қилишни давом эттирамиз. Болажонларимизга кирилл ва лотин алифболарида турли халқлар эртакларини тақдим этиш баробарида ҳаммамизнинг севимли журналимиз «Ғунча» билан ҳамкорликда бир қатор маърифий китобларни ҳам лотин имлосида нашр этиб бориш ниятимиз бор. Мумтоз тарихий меросимизни элга таништириш мақсадида «Мовароуннаҳр тарихидан» туркумини очиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси билан илмий-ижодий ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Айнан шундай ҳамкорлик «XX аср ўзбек қиссалари» туркумига киритиладиган асарларни танлашда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети филология факультети, «Шарқ юлдузи» журнали ва бошқа даврий нашрлар таҳририятлари вакиллари билан елкадошликда амалга оширилади. Яна бир муҳим янгилик: бош таҳририят янги йилдан жаҳон адабиётининг сара намуналарини ва дунё халқлари эртакчилигининг энг гўзал «элчи»ларини китобхонларга таништирмоқчи. Рашод Нури Гунтекин, Аҳмад Лутфий, Ги де Мопассан, Марио Пьюзо сингари муаллифларнинг бир қанча асарлари нашрга тайёрланмоқда.

Янги асарлар билан ўқувчини хушнуд этиш таҳририятимиз фаолиятининг ўзига хос жиҳатидир. Шу маънода Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси», Шукруллонинг «Тирик руҳлар», Шукур Холмирзаевнинг «Динозаврлар» романлари, олдинги китоблари қўлмақўл бўлиб ўқилган Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» қиссасининг 4-китоби, яна унинг «Мурдалар гапирмайди» романи, Абдусаид Кўчимовнинг «Кабутарлар ороли» қисса ва ҳикоялари билан китобхонларимизни хушнуд этмоқчимиз. «Сайланма» туркумимизни бу йил Ҳалима Худойбердиева, Маъруф Жалил, Муҳаммад Юсуф, Ориф Одилхоновларнинг шеърий гулдасталари безайди.

Яқинда ишхонамизда бир ажойиб тадбир ўтказдик. Босмахонамизда узлуксиз ишлаётган оилавий сулолаларнинг ҳаммаларини йиғдик. Меҳнаткаш авлодлар вакилларини табриклаб, улар номига илиқ гаплар айтилди, тилаклар билдирилди, совға-салом улашилди, ўйин-кулгу бўлди. Битта оиладан икки, уч, тўрт, ҳатто беш-олти киши биргаликда «Шарқ»да меҳнат қилаётганини кўриб, авлод давомчилари хизматидан ҳамманинг дили яйради. Аслида сулолалар шунчаки пайдо бўлмайди, бир буюк авлод шу даргоҳдан барака топса, минглаб ёшларни меҳнат даргоҳига етаклайди, ёшлар ҳам ишдан, муҳитдан, шарт-шароитдан, маошдану бошқа қулайликлардан қаноат ҳосил этса, бошқаларни ҳам бу даргоҳга тортади. Сулолалар шу йўсин юзага келади. Мухтасар сўзим — «Шарқ»нинг истиқболи гўзал, эртанги куни янада самарали, меҳнати баракали, ишчи-хизматчиларнинг юзи ёруғ, доим димоғи чоғ, ҳаёти фаровон бўлиши учун зарур бўлган ҳамма-ҳамма имкон мавжудлигига имон келтиргим келади.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директори.

4

Португалия

Бир гуруҳ лиссабонлик ҳуқуқшунослар Индонезиянинг собиқ президенти Сухартони Португалия ҳукуматига топшириш ва кейинчалик уни шу ерда суд қилиш талаби билан мамлакат бош прокуратурасига мурожаат қилмоқчи. «Ҳуқуқ ва адолат» миллий уюшмаси раиси Антониу Мариа Перейрунинг сўзларига қараганда, Сухарто ҳукмронлиги йилларида Португалиянинг собиқ мустамлакаси Шарқий Тимор ороли аҳолисига нисбатан қатағон сиёсати юргизилган. Бу эса лиссабонлик ҳуқуқшуносларга нафақат уни Португалияга топширишни талаб қилиш, балки суд қилиш учун ҳам ҳуқуқий асос беради.

Хитой

Хабарларга қараганда, Хитой ҳукумати раҳбари Чжу Жунцзи расмий ташриф билан шу йилнинг апрель ойида АҚШга боради. У Вашингтонда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашади. Хитойда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши масаласи музокараларнинг асосий мавзуларидан бири бўлади.

Ушбу ташриф муносабати билан Хитой олий раҳбариятининг мажлиси бўлди. Унда бўлажак ташриф арафасида Хитой-АҚШ муносабатларининг барча жиҳатлари кўриб чиқилди.

Япония

Агар Япония АҚШ бозорида пўлат экспорт қилишни камайтирмаса, унга нисбатан савдо-сотиқ бўйича кескин жазо чоралари жорий қилинади. АҚШнинг савдо музокаралари бўйича вакили Шарлен Барщевски шундай деди.

АҚШ пўлат қуйиш саноати раҳбарияти Россия, Бразилия ва Японияни Америка бозорида пўлатни паст нархда сотаётганликда айблаяпти. Ўтган йили АҚШга пўлат импорт қилиши 1997 йилга нисбатан 150-160 фоиз ўсган. Бу кўрсаткичнинг ярмидан ортиғи Япония ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аргентина

Аргентина ҳукумати АҚШ билан долларни Аргентинанинг расмий валютасига айлантириш борасида музокаралар олиб борди. Марказий банк президенти Педро Поунинг айтишига кўра, музокаралар июль ойидан бери давом этмоқда. Бу мамлакатдаги иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун интилиш, деб баҳоланмоқда. Бразилиядаги иқтисодий инқироздан жиддий хулоса чиқарган Аргентина мамлакат иқтисодиётини долларлаштиришга ҳаракат қилаётир.

«Бўжи келди, бўжи келди...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз қурол-яроғ кучига суяниб зўравонлик кўрсатишга, «бировнинг бойлиги ёки ҳудудига эгалик қилишга интилмаймиз ва аксинча, бунга мутлақо қаршимиз», деди яқинда Ўзбекистон армиясини қисқартириш ва ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиққан Президент Ислом Каримов.

Белоруссия раҳбари эса, аксинча, қуролли кучларни, унинг ўзи таъкидлаганидек, «керакли даражада сақлаб туришга» интилмоқда. Ҳарбий ҳаво кучларимизни ва зирхли танкларимизни шундай такомиллаштирамизки, хусусан, Т-72 танкларимиз мукаммаллашган ўта замонавий қуролга айланади, деб мақтанди Лукашенко телевидение орқали янги йилолди чиқишида.

Айниқса, «иккилик»нинг умумий армияси ҳақида гапирар экан, Белоруссия Президентининг ҳар икки мамлакат аскарлари бундай армияда хизмат қилишлари мажбурийлиги ва вазият тақозо этса уларнинг уруш йилларида бўлгани каби умумий манфаатлар йўлида жон беришлари шартлиги тўғрисида тап тортмай сўзлаши кишини ажаблантирмаслиги мумкин эмас.

Россия билан оға-ини каби ягона иттифоқ давлатига бирлашганимизни билгач, ҳеч ким бизга кўз олайтира олмайди, деб ўз мамлакати фуқароларини «юпатади» яна Белоруссия Президенти.

Беихтиёр, савол кетидан савол туғилади: Наҳотки белоруссияликлар Ғарбнинг Лукашенко ишонтиришга уринаётгани қадар ёвуз эканига ҳали ҳам ишонишса?

Жаҳон ҳамжамияти бутун дунёда тинчлик маданияти устуворлиги учун изчил саъй-ҳаракат қилаётган бугунги замонда наҳотки Белоруссияга нисбатан уруш таҳдиди шунчалик кучли бўлса?

Озод ва обод, комрон ва фаровон мамлакатларнинг маданиятли, эгни бут ҳамда қорни тўқ одамлари оддий нон билан сут харид қилиш учун умрини дўконларда узундан-узун навбат кутиб ўтказаётган куни уруш даврининг карточкаю талонларига қолган шўрлик белоруссияликларнинг нимасига зор бўлишлари мумкин?

«Ассошиэйтед Преcс» ахборот агентлигининг сўнгги хабарларига қараганда, Белоруссия-Россия иттифоқи Парламент Мажлиси сессияси бўлиб ўтган куннинг эртасигаёқ, яъни жума куни Белоруссияда бир неча минг кишидан иборат намойишчилар ўзларининг «иккилик» иттифоқига қарши норозиликларини изҳор қилгани кўчага чиқишган.

Бу ҳол, аввало, ушбу республикада Лукашенко «лапша» осолмаган, яъники, ҳақиқатни эшита оладиган қулоқларнинг борлигидан далолат беради. Демак, бу юртда юқоридаги сингари содда, аммо асосли саволларга мантиқий жавоб айтадиган тиллар ҳам топилса ажаб эмас.

Гулом МИРЗО

Соҳил бўйида

Бомбей кўчаларида

Энг аҳамиятлиси — олдинги сафларда бўлиш!

Қаҳрамон Юсупалиев Сирдарё вилоятида кўпчиликка яхши таниш. Уч-тўрт йилдан бери у вилоятдаги энг йирик шаҳар партия ташкилотига бошчи. Шу йиллар мобайнида Гулистон шаҳар партия ташкилотида тўпланаётган иш тажрибалари кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Қаҳрамон Юсупалиев билан суҳбатимиз мавзуи ҳам шу масалалар хусусида.

ХДП ҳаёти

— Сизнингча, бугунги кунда партия ташкилотлари учун энг муҳим, долзарб вазифа нима?

— Энг муҳим мавзу, энг муҳим вазифами — бу инсон қалбидир. Партия аъзоларимизнинг бири қурувчи бўлса, бирови ўқитувчи, бирови йўлсозу — яна бирови ишчи... Биз олдингидек улар олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб, қоғозлар чиқармаймиз. Улар ўз вазифаларининг қай бири муҳимлигини ўзлари жуда яхши биладилар. Бизнинг вазифамиз нимадан иборат? Уларга шу борада кўлимиздан келганича ёрдам беришдир. Ҳар соҳа, ҳар ишда уларга ҳамкору ҳамдард бўлишга ҳаракат қиламиз. Чунки бу ҳақиқатан ҳам муҳим нарса. Халқ хўжалиги, саноат, қурилиш, таълим ва ижтимоий соҳалар, кўйингки, ҳаётимизнинг қайси жабҳасида бўлмасин, уларни бизлар билан ҳамиша бирлаштирадиган нарса — уларнинг қалби, меҳр-оқибатидир. Уларнинг эътиборини, ишончи ва меҳрини торта олсак, қолган ишларнинг муваффақияти хусусида ташвишланмасак ҳам бўлади. Нега деганда ҳар қандай яхши ёки ёмон деб аталувчи ютуқ ва муаммоларни бор қилувчи ҳам, йўқ қилувчи ҳам инсондир.

— Қайси бошланғич ташкилотда эътиборга лойиқ тажрибалар тўпланган?

— Аввало бизнинг доимий эътиборимиз, фикри-ёдимиз, ҳаракат майдонимиз бошланғич ташкилотлардир Уларнинг обрўйи, фаоллиги ва таъсирчанлигини ошириш йўлида бор имкониятимизни ишга солишга уринаётирмиз. Сирдарё вилоят электр тармоқлари корхонаси, шаҳар Нодира номли педагогика билим юрти, тиббиёт билим юрти, маҳаллаларимиздаги қатор худудий ташкилотларимизнинг ишларидан анча кўнглимиз тўқ. Бошланғич ташкилотларимиз сони ҳозир 94 тадан ошди. Партия аъзоларимиз эса 1750 киши. Ҳар ойда у ёки бу ташкилотда эътиборга лойиқ янгиликлар, ташаббуслар пайдо бўлаётганидан қувонямиз.

— Янги аъзоларни қабул қилиш жойларда қандай йўлга қўйилган?

— Вилоят электр тармоқлари корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда иштирок этдим, денг. Бу ерда уч киши партия аъзоси бўлиш истагини билдириб ариза беришган экан. Йиғилиш қатнашчилари шулардан бир кишини қабул қилди. Нега икки нафарига эътироз билдирилди ва аризаси ҳозирча орқага сурилди? Бу ерда демак, талабчанлик, очиқ муҳокама, партия аъзоларига нисбатан қўйилаётган талабларни кўриб, рости чин дилдан хурсанд бўлдим. Ташкилотга кўпдан бери тажрибали партия ходимларимиздан бири П.Жилкин раҳбарлик қилади. Унинг номи партиямиз Марказий Кенгашининг ҳурмат китобига ёзилган. Бу ердаги барча ишлардан кўнглим тўқ. Биз қабул масаласида бошланғич ташкилотимизга бу борада йўл-йўриқ, маслаҳат, ёрдам беряпмизу, лекин тазйиқ ўтказмаймиз асло. Токи қабул ишлари эркин, кўнгилли бўлсин. Ўтган йили бошланғич ташкилотларимизга тушган кўпгина ариза эгаларидан 170 нафарини сафларимизга қабул қилдик. Шулардан 71 нафари аёллар, 114 нафари зиёлилар. Бу эътиборга лойиқдир. Янги қабул қилинган аъзоларнинг 110 нафари ёки асосий қисми 30 ёшгача бўлган ёшлар экани ҳам партиямизнинг, аниқроғи сафларимизнинг ёшариб бораётганидан далолат эмасми?

— Энди галдаги режалар...

— Режа билан ишимиз қизиқарли ва жонли бўлади-да. Биз режаларни тузишдан олдин албатта даврга ҳамнафасликка алоҳида эътибор берамиз.

Яқин вақтларга мўлжалланган асосий тадбирларимиздан бири — кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни партия ташкилотлари ҳамда шаҳар фаоллари билан ҳамкорликда ўрганиб, муҳокама этиб чиқишдир. Хуллас, олдимизда турган режалар кўп. Энг аҳамиятлиси давр муаммолари ечимида доимо олдинги сафларда бўлишга интиламиз.

Суҳбатдош:
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Болажон ўзбегим

Дарадингизга малҳам бор

«Ўзкимёфарм» ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги кимё фармацевтика саноатининг тўнғичи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларнинг сифати, ташқи безаги корхонанинг юз-кўзи ҳисобланади. Бемор ёки харидор эса дорининг таъсир кучи аниқлигига, шифобахшлигига ишонч ҳосил қилади.

Корхона ҳозир замонавий, энг янги аналитик асбоблар ва ускуналар билан жиҳозланган. Бу ердаги ходимлар оддий механик ишлаб чиқаришдан тортиб, анализнинг янги усулларини жорий этиб, ўз ишига ижодий ёндошиб келмоқдалар. Собиқ иттифоқ пайтида корхонада кўплаб дори-дармонлар ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган дориларнинг 99 фоизи хориждан келтирилар эди.. Корхонада малакали мутахассислар бўлганлиги боис, республикамиз олимлари яратаётган дорилар тезда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Аста-секин меҳнат унумдорлиги 15-20 фоизга ошди. Яна бир мисол: 1994 йилда корхона атиги 68 хил дори ишлаб чиқарган бўлса, шу бугунга келиб 110 хилгача дори ишлаб чиқарилмоқда. Декабрь ойининг охирларида уларнинг сонини 120 хилга етказилди.

Юртимизнинг дори-дармон мустақиллигини таъминлашда қўшма корхоналар ташкил этилишини аҳамияти катта.

«Ўзфармсаноат» концернининг Гулистондаги «Лечива» корхонаси дори ва малҳамлар ишлаб чиқараётган бўлса, «Корфармсаноат» - Ҳиндистон билан қўшма корхонаси ҳозир ишга тушиш арафасида турибди. «Ўзбек Хёхст фарма» қўшма корхонаси иш бошлаганига 3 йил бўлди. У тайёрлаётган дори-дармонлар бугунга келиб импорт маҳсулотлар, ўрнини босмоқда. «Трейдинг фарма» қўшма корхонаси Швейцариядан хомашё олиб, дори ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, цехларни янги дастгоҳлар билан жиҳозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ҳозир корхонада 600 кв.м. эски бинолар, ишлашга яроқсиз бўлиб қолган ускуналар ўрнига талабга жавоб берадиган янги техникалар билан жиҳозланган цехларда иш бошланди. Давлатимиз томонидан берилган имтиёз-маблағлардан тўғри фойдаланилаётганлиги туфайли яратилган янги технологиялар асосида ампула цехида тиббиётда ишлатиладиган қатор витаминлар эритмаси ишлаб чиқарила бошлаб юборилди. Шунинг эвазига чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати кундан-кунга яхшиланмоқда. Бу ўз навбатида акционерларга қўшимча даромад олиб келмоқда.

Халқимизни шифобахш дорилар билан таъминлаган ҳолда республикамизнинг экспорт потенциалини ошириш соҳа мутасаддиларининг асосий мақсадидир. Бу эса хомашё муаммосини енгишдек вазифани қўймоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни дунёга танитиш учун илмий текшириш институтлари, Фанлар академияси қошидаги ўқув юртлари ихтиро қилган ва яратаётган янги-янги дорилар ҳозир маҳаллий ўсимликлардан тайёрланмоқда. Эндиликда маҳаллий хомашёдан олинаётган шу дорилар корхонанинг кўрки ҳисобланади. Корхонамизда фан ва техника ютуқларининг қўлланилаётганлиги хомашёни ва тайёр маҳсулотни четдан олиб келишни қисман бўлса-да қисқартиради.

Абдуғани
МАМАСОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Тилсимли олам

Болаликнинг бетакрор дамларини хўрсиниб эсламайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Болалар ҳаётдаги ҳар бир воқеликни ўзларидек беғубор ҳис қиладилар. Улар бир-бирларини табиатларини ҳам катталардан кўра яхши тушунишади. Болалар яхшиликни ҳис қилиш билан бирга ёмонликни ҳам тез илғай олишади. Ўзбекфильм киностудияси ижодкорлари томонидан «Кичкина табиб» деб номланган янги бадиий фильмнинг яратилишига ҳам эҳтимол болаликнинг мўъжизакор олами сабаб бўлгандир. Яқинда Киночилар уйида ушбу фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Фильмдаги асосий ролларни Д. Каттабеков, М. Ражабов, Б. Нишонова, Ф.Режаметова, К.Мирходиев ва бошқалар ўзига хос тарзда талқин этишган. Бу фильмни кўрган ҳар бир томошабин қалбида болаларга бўлган меҳр-муҳаббат, улар иқтидорини эъзозлаш каби туйғулар юксалиши табиий. Премьера бошланишида фильм режиссёри Зулфиқор Мусоқовга ва бир қатор актёрларга Ўзбекистон Киночилар уюшмаси аъзолиги гувоҳномаси топширилди. Бу ерга ташриф буюрганлар уйларига бир олам таассурот билан қайтишган бўлса ажаб эмас.

Гўзал НОРЧАЕВА

Эшитдингизми, санитария паспорти

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги диққатига!

Ўзбекистон буюк ўзгаришлар мамлакатига айланиб бораяпти. Айниқса, одамлар онгида эркин, мустақил яшашнинг орзуси гуллай бошлагани қувончли албатта. Умумватан тушунчасидан, яъни мавҳумликдан ҳақиқат сари, асл Ватан сари интилиш кучаяётгани кўнгилга хуш ёқади. Ватанимиздаги улкан ўзгаришлардан яна бири тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, яъни барча ривожланган давлатлар қатори тиббиёт шаҳобчаларини кафолатли хизмат кўрсатишга ўтказиш. Ахир беморнинг соғайиш кафолатини олган тиббиёт ходими ўз зиммасига ўзи масъулият юклайди. Бунинг орқасида жавобгарлик бор. У виждонан ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Яқинда Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳокими Мухтор Ёрқулов ва Каттақўрғон тумани марказий шифохона бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Ҳамза Ҳамроевлар ҳаммуаллифлигида «Ҳовли санитария паспорти» лойиҳасини босмага тайёрлашди. Ушбу қўлланма барча турдаги ҳовлилар учун ҳамда мамлакат миқёсида фойдаланишга яроқлилиги билан қадрлидир.

Муаллифлардан бири, Ҳамза Ҳамроев ҳақида икки оғиз сўз: йирик мутахассис олим, Нуробод дам олиш масканидаги оби ҳаёт билан бўғин касалликларини даволаш бўйича илмий ишида бўғин касалликларини уч босқичда, яъни шифохона, поликлиника ва даволаниш оромгоҳида даволашни илгари сурди. Бу маскан 1959 йилда ишга туширилган бўлса-да, ҳалигача тадқиқот ишлари олиб борилмаганди. Нурободда радан маъданли суви мавжуд бўлиб, у Схалтуба, Пятигорск, Меркий сувларидан кўра шифобахшлироқдир. Шу тариқа маъданли сув илк бор тадқиқ қилинди ва фанга киритилди. Ҳамза ака бўғин касалликларини даволаш ҳамда тери остига кислород юбориш бўйича муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган вилоятдаги ягона ҳаким. Республика ревматология маркази Бош директори Тўхтасин Солиев ва тиббиёт фанлари доктори, профессор Нуриддин Камоловлар устозлигида илмий мақолалар чоп этилди.

Оила аъзолари рўйхати билан бошланадиган қўлланма умумий эслатмада давом этади. Бунда ҳовлида нима асраш, қандай бино қуриш, уларнинг санитария ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш таъкидланади. «Қадимда халқимиз уйни қуёшга қаратиб қурган, бунда бола касалга чалинмайди, соғлом ўсади, баҳаво бўлади» — дейилади мажмуада. Ёш оилаларга эслатмада соғлом аёл фарзандли бўлгандан сўнг 3 йил давомида организмидаги ўзгаришлар ўз ҳолатига қайтади. Шундан сўнг ҳомиладор бўлса, она ҳам, бола ҳам соғлом бўлади, дейилади. Кўриниб турибдики, мажмуада турмушнинг барча жабҳалари қамраб олинган. Тиббиётни ислоҳ қилишдан мақсад ҳам соғлом авлодни вояга етказиш. Қуруқ гап ёки ақлий кўрсатмалар одамлар онгига сингмайди. Ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, тан соғлигини эътиборга олган ҳолда ёндашилса одамлар ҳам тушунади. Шу нуқтаи назардан қараганда мазкур қўлланма тўғри йўлни танлаган. Шу тариқа оилада кечиши мумкин бўлган барча ҳолатлар қамраб олинган. Мана қаранг, гўдакни парваришлашда шундай дейилади: Бир кунда эмизувчи она 100 гр. гўшт, 500 гр. сут, 50 гр. пишлоқ, 50 гр. сариёғ, 1 дона тухум ва витаминли сабзавот, мева ейиши таъкидлаб айтилади. Ҳа, боланинг меъёрий ўсиши учун витаминли, хуштаъм, ёқимли, ҳидли, мева-чевалар, суюқ ичимликлар оналар учун нечоғли зарурлиги ҳаммага аён, лекин она уларни меъёрда истъемол қилмаса, оқибати нималарга олиб келиши ҳаммага ҳам аён деб бўлмайди. «Ҳовли санитария паспорти»дан эса бунинг барчасига жавоб топасиз.







Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Бир парча этнинг орасида гоҳ ўтли, гоҳ сувли ҳолатлар содир бўлиб туради. Болаларда, болали оналарда учрайдиган турли хил касалликлар ва уларни бартараф қилиш усуллари ҳам китобда ёритиб берилган.

Бундан ташқари, хонадон соҳибларининг бошқа хизмат турларидан унумли ва самарали фойдаланиши учун қайд қилиш варақлари ҳам мавжуд. Масалан, электр тармоқлари, сувдан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги, газ тармоқлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур ҳовлилар учун тайёрланган ҳужжат «Умид» фирмаси ҳомийлигида чоп этилган.

Ҳа, «Ҳовли санитария паспорти» сиз учун яна бир қулайликдир. Эҳтиёжингиз нимани хоҳлайди, барчаси муҳайё! Фақат ундан тўғри фойдалансангиз, бас! Ушбу китоб тиббиётни ислоҳ қилиш йўлида муҳим бир қадам, мустақиллик меваси!

Юсуф ЖЎРАЕВ
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Вилоят кенгаши сессиясида

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими Э.Рўзиев маъруза қилди. Депутатлар Президентимизнинг вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан Республика Вазирлар Маҳкамасидаги учрашувда, Республика Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда вилоят халқ хўжалиги тармоқлари ишининг ўтган йил якунлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1999 йилги устувор йўналишларини таҳлил қилдилар.

Лутфулла
МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Қаҳрамон билан учрашув

Қарши шаҳри ва Шаҳрисабз туманида Ўзбекистон Қаҳрамони Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашувлар бўлиб ўтди. Йиғилишларда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ва адабиётшунос Бахтиёр Назаров қатнашдилар. Шеърият мухлисларида катта таассурот қолдирган бу мулоқотлар ўзига хос мушоирага айланди. Учрашувларда Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Райим Раҳмонов ва Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Фармон Омонов ҳам иштирок этишди.

Музаффар ТУРОБОВ

Чўчиб қолди шекилли...

Автобус одамларга тўла. Сал бўшлик қилсангиз оёғингизни ерга теккизмай қўйишлари ҳеч гап эмас. Шу аҳволда кетаётсам, кўзим кекса бир кампирга тушиб қолди. Қўлида ҳасса. Букилганча унга суяниб кетарди. Унинг ёнидаги ўриндиқда ёшгина йигит ўтирибди. Парвойи фалак.

Тутоқиб кетган ёши ўттизлардаги бир жувон:

— Одам деган шунчалик безбет бўладими? Туриб жой бўшатинг!

Йигит бамайлихотир:

— паттам бор, — деди.

Керосинга гугурт чаққандай йигитнинг бу гапидан кейин автобусда ғала-ғовур бошланди.

— Ҳозирги ёшлар шунақа бўлиб кетишган. Ёқангдан олиб оғзингга ёпиштиришади.

— Шу қари кампирга

Луқма

жой бўшатса, осмон узилиб ерга тушармикан. Ўзинг ҳам бир куни қарийсану...

Агар ҳозир кампирнинг ўрнида офатижон қиз бўлгандами! Кўрардинглар қандай жой бўшатишини...

Бу каби одамнинг жонжонидан ўтиб кетадиган илмоқли гаплар керагидан ортиқ гапирилди. Ҳар қалай йигитда оз бўлсада ор-номус бор эканми, кампирга жой бўшатди. Менга эса бир ўй тинчлик бермасди: Ҳозир замон ўзгардими ёки ёшларми? Лекин бир нарсага амин бўлдимки меҳри дарё халқимиз бор экан хоҳ замон, хоҳ ёшлар ўзгарсин барибир уларни қайсидир йўл билан тарбиялаб олишга қурби етади. Энди ўша йигит автобусга чиққанда чўчинқираб бўш жой қидирса ажаб эмас!

Шоира
ТЎХТАБОЕВА

Санъат жилоси Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Ер ости зангори омбори

Хўжаобод туманида ер ости газ омбори фойдаланишга топширилгач, Фарғона водийси аҳолиси, халқ хўжалигига меъёрида табиий газ етказиб бериш муаммоси ечилади.

Қиш фаслида табиий газ босимининг камайиб кетиши Андижон вилояти аҳолисига қийинчилик туғдирарди. Республика ҳукуматининг Андижон вилояти, қолаверса Фарғона водийси аҳолисини қиш мавсумида газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Хўжаобод туманида ер ости газ омбори қуришга қарор қилганлиги истеъмолчилар манфаатини ҳисобга олинганлигининг ифодаси бўлди. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан тез орада бу иш бошлаб юборилди. Ҳозирги вақтда нархи чет мамлакат сармоялари ва ўз харажатларимизни қўшганда тахминан 100 миллион Америка долларига етадиган бу иншоотда қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш мажмуи замонавий талаблар ва андозалар асосида бунёд этилди. АҚШда ишлаб чиқарилган учта қудратли компрессор ўрнатилди. Қатор технология қудуқлари, бошқа қўплаб ишлаб чиқариш жабҳалари тайёрланди. Замонавий иншоот тизими тикланди.

АҚШдаги «БИ-ЭС-АЙ-ИНДАСТРИС» компанияси мутахассисларининг монтаж ишларидаги иштироки сифат учун кафолат бўлди. Қудратли компрессорларни ишга туширишда, синаш муваффақиятли амалга оширилди. Хорижлик ҳамкорлар маҳаллий мутахассис кадрларни замонавий технология билан таништириш, ўқитиш, малака ҳосил қилишларида кўмак кўрсатмоқдалар. Кенг қамровли ишлаб чиқариш мажмуидаги компрессорлар яқинида компьютер асосида фаолият кўрсатувчи операторлар кузатув ўт ўчириш, автоматик равишда ўт ўчириш иншооти, таъмирлаш хўжалиги ва бошқа бинолар ўрин олган.

Ер ости газ омбори ҳудудида коттеж уйлар қурилаяпти. Бош режага кўра келгусида бу ерда мутахассислар учун қатор турaржой бинолари тикланади. «Зангори олов» омбори яқинида мўъжаз боғ яратилди. Йўллар четига ўтказилган тераклар кўкка бўй чўзаяпти. Истиқлол берган имконият туфайли инсонларнинг яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаймоқда.

Соли АҲМАДУЛЛО

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 26 yanvar, seshanba № 10 (24.405).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Яшил майдон хумори

Орзиқиб кутилаётган дамлар яқин. Илк баҳор чоғлари яна ўйингоҳларда миллионлаб мухлисларнинг хайқириқлари янграйди. Спорт турлари ичида энг оммавийси саналган футбол мавсуми бошланади. Қиш-қировли кунларда эса яшил майдонлар хумори тутаётган ишқибозу, мухлислар усти берк жойларда ўтказаётган машқларни зимдан кузатмоқдалар.

Маълумки, ҳар йили мамлакатимиз чемпиони бўлган жамоа мавсум олдидан ўтказиладиган МДҲ чемпионлари кубоги учун баҳсларда иштирок этарди. Афсуски, бундай соврин учун курашнинг ўзига хос қийин тизимга ўтказилгани хуш келмади чоғи, чемпионларимиз — пахтакорчилар Москвага боришни лозим топишмади. Бунинг ўрнига «Пахтакор» ўз олдида турган асосий вазифа Осиё чемпионлари кубоги учун курашда муваффақиятли қатнашишни мақсад қилиб қўйди. Яна бир кундан кейин улар БААга йўл оладилар. У ерда қатор ўртоқлик учрашувлардан кейин Осиё кубоги учун учрашувни «Ал Иттиҳод» жамоаси билан ўтказадилар. Пахтакорчиларга эса Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилаяпти. Жамоа таркибида айтарли ўзгаришлар йўқ. «Нефтчи» футболчилари эса яна Юрий Саркисян бошчилигида шайланишмоқда. Бу жамоага «Трактор»дан Ўрмонов, «Машъал»дан Зотов, «Насаф»дан Поддубнийлар чорланган. Ўйлаймизки, фарғоналиклар мавсумни кўтаринки руҳда ўтказиб, мухлисларни мамнун этишади.

«Дўстлик» жамоасида ҳам ўзгаришлар бор. Хусусан, мураббий Маҳмуд Раҳимов энди «Самарқанд» жамоасига бошчилик қилади. Унинг ўрнига таниқли Рустам Мирсодиқов келди. Янги устоз ўз теварагига Давлатов, Ҳасанов, Қурбонов, Раҳмонқулов, Толипов, Осмонов, Рўзимов каби футболчиларни олиб, жамоани мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакат кубоги соҳиби «Навбаҳор» жамоасининг аҳволи яхши дейиш қийин. Навбаҳорчилар ҳозир молиявий муаммонинг ечимини кутмоқдалар. «Суғдиёна» таркиби эса Цирин, Шарипов, Зиганшиннинг кетиши, Сотников, Шиянов, Ткаченколарнинг келиши билан ўзига хос янгиланди. Шунингдек, «Андижон», «Бухоро» , «Насаф», «Трактор», «Хоразм» жамоалари ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Қозининг ыил рози



Ўзбек феъли

давомида тушган суратларга нигоҳ ташлайман. 1974 йил 22 сентябрь куни Ҳиротда А. Навоий, А. Жомий қабрларини зиёрат қилиб, тушган суратга қайта-қайта кўз югуртираман.

— Буюк боболаримизнинг, қабрлари қаровсиз. Абдураҳмон Жомий қабри ичидан писта дарахти ўсиб чиққан. Қабрларни зиёрат қилиб, ич-ичимдан ачиндим, хўрсиндим. Қани эди Афғонистонда ўзаро уруш тугаб, улуғ зотлар қабрини таъмирлашга, мақбаралар қуришга халқимиз билан кўмаклашсак, — дейди Азиз ака. — Иншооллоҳ, шундай саодатли кунлар ҳам келгай.

— Азиз ака! Қутлуғ ёш теграсида, қалбингизда не ўйлар кечмоқда? — сўрайман кекса ҳуқуқшуносдан.

— Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, юртимиз мустақил, тинч ва осуда, юртбошимиз одил, халқпарвар. Мустақилликнинг етти йиллигини нишонлаяпмиз. Йил сайин ҳуқуқий давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида обрў-иззат топаяпмиз. Мақсуда аянгиз билан беш нафар ўғил, икки нафар қизларимизни тарбиялаб вояга етказдик. Ҳаммаси уйли-жойли. Олий маълумотли мутахассислар, эл-юрт хизматига камарбаста.

Узоқ йиллик меҳнат фаолиятимда, умргузаронликда битта нарсага аниқ имон келтирганман. Инсонда жисм ва руҳ эҳтиёжлари ўртасида мунтазам бир-бирига яқин ва зид алоқалар бўлиб туради. Кимдир вужуд эҳтиёжини юқори қўяди, яна кимдир аксинча. Назаримда руҳ, қалб, имон, виждон эҳтиёжини аъло билган киши ўзини, ўзлигини танийди, англайди. Руҳан мукаммалликка эришган кишилар жисм хасталигини осон енгадилар, чунки уларда сабр-бардош, ирода, ишонч барҳақ бўлади.

Юксак инсонийлик фазилатлари билан кўпчиликка ўрнак, намуна бўлиб, иззат-икромга сазовор бўлаётган, кексаликда ҳам эл-юрт саодати учун тиниб-тинчимаган республикада хизмат кўрсатган юрист, «Шуҳрат» медали соҳиби Азиз ака Юнусов ҳақида ўйласам муборак ҳадисларда айтилган «Одамларга кўпроқ фойдаси тегадиган киши — одамларнинг яхшироғидир!» деган битиклар шу ўринда нурдай ёлқинланади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўлим муқаррар, бироқ...



1) ...Яна яшашингиз мумкин

Ўлим — ҳақ. Буни одамзот инкор этолмайди. Ҳатто Қуръонда ҳам, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам ўлим — ҳақ, дейилади. Бу табиат қонуни, биоэволюциянинг муҳим шартларидан бири. Бу инсониятнинг неча минг йиллик тарихий жараёнлардан чиқазган хулосаси, неча минг йиллик илмий-назарий ва ҳаётий кузатувлар, синовлар ва тадқиқотларнинг хулосаси бу. Бироқ бугунги кун — XX аср илм-фани худди шу хулосани, башарият бошида соя бўлиб турган ўлим — ҳақлик ақидасини инкор этишга, тўғрироғи, ўлим булутини бир четга суриб қўйишга журъат этмоқда. Ўлим — ҳақлик қонуниятини инкор этиш, гарчи барча динларда шаккоклик ҳисобланса-да, аммо илм-фан тараққиётидан кўз юмиб бўлмайди.

Азиз ўқувчи, балки хабарингиз бордир, узоқ эмас — ўтган йилнинг кузида Англия газеталари 11 ёшли ўқувчи Мэтью Говарднинг жасорати тўғрисида роса шовшув қилишди. Гап шундаки, Мэтью ёш бўлишига қарамай ўз жонига «қасд» қилди, очиқроғи, клиникада — профессор-дўхтирлар қўлида онгли равишда ўз жонидан воз кечиш эвазига ички органларини ўлим чангалидаги беморларга кўчириб ўтказиш тўғрисида расмий васият қолдирди. Уни бу йўлдан ҳатто ота-онаси ҳам қайтаролмади.

Ҳақиқатан ҳам унинг жасорати туфайли ўнлаб ўлимга «маҳкум» беморлар яна ҳаётга қайтди, яъни унинг юраги, бўйраги, жигари, ошқозон ости бези, ўпкаси, ичаклари, кўзининг мугуз пардаси (энг устки тиниқ парда) ва ҳоказолар кўчириб, юқорида айтилганидек, беморларга ўтқазилди. Гарчи одам организмини трансплантация қилиш янгилик бўлмаса-да, Мэтью Говард воқеаси жаҳон тиббиёт тарихида илк бор зикр этилиши. Шунинг учун ҳам у бизга ғайритабиий туюлади. Шунинг учун ҳам барча ахборот воситалари учун шов-шув манбаи бўлиб хизмат қилди. Аслида эса...

Дарвоқе, ички органларни кўчириб ўтқазиш қачондан бошланган ўзи, деган савол туғилиши табиий. 1905 йил Чехословакия тиббиётчилари томонидан трансплантация илк бор муваффақиятли амалга оширилган. Ўшанда кўз мугуз пардаси ўзга организмга ўтқазилган эди. Ярим асрдан кейин эса бу соҳада яна бир операция Бостонда (АҚШ) амалга оширилди. Фақат бу гал икки эгизакдан бирининг буйраги иккинчисига ўтқазилди. У ўзга буйрак билан ҳар ҳолда 8 йил яшади. Бироқ 1963 йили яна АҚШда бажарилган худди шундай операция илк бор муваффақиятли бажарилган операция деб тан олинди.

Машҳур жарроҳ Кристиан Бернард 1967 йили Кейптаунда (Жанубий Африка Республикаси) дунёда биринчи марта инсон юрагини кўчириб ўтқазишга муваффақ бўлди. Ўта мураккаб бўлган яна шундай операция кейинги йили Англияда ҳам муваффақиятли адо этилди. Яна бир йилдан сўнг эса марҳумларнинг суяк ва терисини беморларга кўчириб ўтқазиш ўзлаштирилди. Бироқ бу ишлар ҳали мукаммал даражага етмаган эди. Фақат 1984 йилга келибгина ўзга организм тўқималарини худди ўзиникидек «қабул қилдириш» механизми — циклоспорин препарати ишлаб чиқилди. Бу тиббиёт жарроҳлигида ўзига хос инқилоб эди.

1990 йилларга келиб ички органлардан бир йўла 2 — 3 тасини «комбинация» қилиш ўзлаштирила бошландики, бу иш мазкур соҳада катта ютуқларга эришилганидан далолат эди. Масалан, ўша пайтда бир йўла юрак ва ўпкани кўчириш амалга оширилди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди: агар ўпка юрак билан бир вақтда кўчирилса, икки орган ҳам бир-бирини «қўллаб» ўзга организмга тез ва осон мослашиб кетиши кузатилди.

1996 йил Англияда ракка чалинган беморнинг бир йўла ингичка ичаги, жигари ва буйраги алмаштириб, янгиланди.

Бугунги кун жаҳон жарроҳлигида кунига ўртача инсон танасининг 40 дан ортиқ ички орган ва қисмлари кўчириб ўтқазилмоқда. Суяк, тери, ҳатто пайларни-да «янгисига алмаштириш» оддий ишга айланиб бормоқда. Негаки, бу органлар инсон ўлимидан сўнг анча вақтгача ўз хусусиятини йўқотмайди. Шунинг учун агар беморга суяк ё тери керак бўлиб қолса, «эски» марҳумлардан олиб қўяверилиш мумкин. Буни олимлар тасдиқлашмоқда. Бироқ ички органлар марҳум вафот этган пайтдаёқ мижозга, аниқроғи, эҳтиёжманд беморга кўчириб ўтқазилиши керак.

Тўғри, бу ишга жазм этишнинг ўзи бўлмайди. Беш қўл баробар бўлмаганидек, донорнинг, яъни марҳумнинг қариндош-уруғлари орасида унинг ички ё ташқи органлари бирор бир аҳволи оғир беморга кўчириб ўтқазилишига кўнадиганлардан кўнмайдиганлари кўп.

Бироқ вазиятни тўғри баҳолай оладиганлари ҳам бор.

«Кеча эрим тирик эди, бугун эса йўқ, — дейди дўхтирга лондонлик бир аёл. — На илож. Лекин мен шуни хоҳлайманки, унинг организми ўлим билан олишаётган бошқа беморлар учун асқотсин!» Худди шундай қилинди ҳам. Юраги қаттиқ шикастланган ёш болалик она, ўлим тўшагидаги бола, ёнғинда қолиб деярли бутун аъзою-бадани куйган ўспирин, қўйингки, 30 дан ортиқ ўлим билан олишиб ётган дардмандлар ўша аёлнинг бир оғиз розилиги туфайли яна ҳаётга қайтарилди. Марҳум хўжайинининг ҳали совиб улгурмаган барча яроқли органлари ўзгаларга ўтқазилди.

«Мен касалхонамизда вақти-соати етган айрим марҳум ва уларнинг қариндошуруғлари жасоратига қойил қоламан, — дейди лондонлик доктор, ички орган ва тўқималар бўйича етук мутахассис Дейдри Фихайли. — Улар тириклар ҳақида кўпроқ ўйлашади, ўзларининг умрини бошқага беришдан лаззат топишади. Шундай мардлар эвазига ҳаёт чироғи сўниб бораётганлар яна ҳаётга умид билан қарайдилар».

Бугунги кунда юракни трансплантация қилиш йилига дунё бўйича 250 тага етмоқда. «Бу ишни амалга оширишда иккала томоннинг ҳам қон гуруҳи, албатта, ҳисобга олинади. Кўчириб ўтқазиш жараёни юрак суғуриб олингандан бошлаб 4 соат давомида якунланиши шарт» дейди мутахассислар.

Ўпкалар эса йилига 100 дан ортиқ «алмаштирилмоқда». Буйраклар «комбинацияси» 1,5 мингни ташкил этади. Тажрибадан шу нарса аёнки, буйраклар донордан кесиб олингач, узоғи билан бир кеча-кундузда ўзга организмга «ўрнатилиши» керак. Бу анча енгил операция ҳисобланади. Бугунги кунда дунёда минглаб буйраги касал пулдор беморлар буйракларини «янгилаш» учун навбатда туришибди. Дарвоқе, кўпинча буйрак билан бирга ошқозон ости бези ҳам кўчириб ўтқазилади. Бунинг-да самараси ўзгача.

Агар яна санашда давом этадиган бўлсак, жигарлар «комбинацияси» йилига 650 тани ташкил этади. Улар асосан жигар циррози ва саригдан азият чекканлардир. Мазкур операциялар ўта мураккаб ҳисобланади, лекин беморлар соғлиғи атиги бир неча ҳафтадаёқ меъёрга тушади.

Инсон ички аъзолари ичида энг кўп «алмаштириладигани» кўз мугуз пардасидир, яъни йилига 2,5 минг беморнинг кўзига қайта нур бағишланади. Донордан олинган кўз гардаси махсус шароитда анча кунгача ўз хусусиятини йўқотмайди. Юрак клапанларини эса 5 йилгача сақлаш мумкин. Улар туғма пороклар учун асқотади.

Тизза ва тос суяги билан сон суягини туташтирган бўғинлар шу қисмлари ишдан чиққан беморлар учун сунъий бўғинлар (протез)дан кўра самаралидир.

Болдир суяги одам организмининг энг пишиқ қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у жарроҳлар томонидан юқори баҳоланади. Негаки, ундан умуртқа поғонаси синганлар учун «тахтакач» сифатида фойдаланишади.

Терилар ҳақида шуни айтиш мумкинки, уни 180 даража совуқда — азот суюқлигида сақланади. Қуйиб оғир жароҳат олган биргина дардманднинг териларини «янгилаш» учун 3 — 4 донорнинг териси керак бўлади. Булар-ку зарурат нуқтаи назаридан шундай қилинади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда табиий ташқи қўринишни ўзгартириш «мода»га айланиб бормоқда. Биргина АҚШнинг ўзида ҳар йили эҳтиёж бўлса-бўлмаса миллион-миллион соғлом американик жарроҳ столига пластик операция учун ётмоқда. Бир қанча қиз ва аёллар эса Аллоҳ ато этган гўзал сийналарини янада «улканлаштирмоқда»лар. Яна бир қанчаси хипча бел нозанин бўлиш учун икки етим қовурғасини кестириб ташлаяпти. Қарилик устун келиб, эти буришган пулдор хонимлар олтин иплар ёрдамида териларини торттириб, яна диркиллаган қиздек бўлиб олмоқдалар. Бу каби операциялар бугунги кунда бир пиёла сув ичишдек оддий ҳолга айланиб боряпти.

Илму ҳикмат сувни ёндирар

Кўриниб турибдики, тиббиётнинг ушбу соҳа — «қайта тиклаш-таъмирлаш жарроҳлиги» сўнгги ўн йилликда улкан ютуқларга эришган ва бундан кейин-да ўз имкониятларини янада кенгайтириб бораверади. Негаки, одамзот умри давомида фақат ва фақат юксакликка — янада кучли, янада чиройли, янада ақлли бўлишга интилаверади, интилаверади.

Бироқ шу ўринда дилда туғилган мулоҳазаларни айтиб ўтмасак бўлмас. Негаки, медалнинг орқа томонини ҳам кўрадиган бўлсак, инсоният тиббиёт жарроҳлигида улкан ютуқларга эришмоқда деб аюҳаннос солганимиз бизни қувонтирмайди, аксинча, руҳимизни бироз туширади ҳам. Сабаб: одамнинг қушандаси одам, деганларидек, бир киши умри эвазига бошқанинг соғлиғи тикланади. Демак, эртанги кунда «одамлар бозори» пайдо бўлмаслигига бировни ишонтириб кўринг-чи. Ҳар қалай ошкора бўлмаса-да, эгри йўллар билан ҳатто бугунги кундаям инсон тана қисмлари кўплаб сотилмоқда-ку! Ўша қисмлар ўз вақти-соати етиб қазо қилган инсонларники эканлигига ким кафолат беролади? Пул топиб ақл топмаган «гангстерлар»дан ҳар балони кутиш мумкин. Уларнинг худоси пул. Пулга сиғиниб, пулдан руҳ олишади. Мана, масалан, ўтган йил ёзда хитойлик бир гуруҳ жиноятчилар Америкада қўлга олиндилар. Улар инсон тана қисмлари савдоси билан шуғулланиб келишган. Ҳатто қўлга олинган пайтда улардан ашёвий далил сифатида кўплаб инсон тана қисмлари тортиб олинган. Ҳайриятки, бизда бундай кўргиликлар йўқ. Илло бўлмасин ҳам. Бунга қонунларимиз йўл қўймайди.

Шу ўринда савол туғилади: «қайта тиклаш-таъмирлаш жарроҳлиги»да сунъий протезлардан фойдаланса бўлмайдими? Албатта бўлади. Бу борада ҳам қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар бир талай. Келинг, яхшиси бу ҳақда кейинги сонда гаплашамиз.

Алимқул СУЛТОНОВ

Фоний дунёда сермазмун, сержило ўтаётган умрга менгзовчи нима бор? Ҳеч нима! Оила, фарзандлару невара-чеваралар, ёру дўст ва шогирдлар давраси. Мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилиш ҳамда эзгуликка йўғрилган ҳаёт қалбларни қуёш мисол иситиб, ёритиб туради. Бугун умрининг қутлуғ ва муаззам етмиш ёшлик бекатида турган Азиз Юнусов машаққатли ўтган, лекин мустақилликдан қалби тоғ чўққисидек кўтарилган, булоқ сувидек оромбахш бўлган йилларга таҳсин, олқиш айтиб чинордек қад ростлаб юрибди.

Азиз ака ҳуқуқшунос бўлиш орзусида астойдил интилиб, 1954 йили ниятига эришган. Шу йилдан бошлаб халқ судьяси сифатида турли лавозимларда фаолият кўрсатди.

Айниқса, республика олий судида ва Самарқанд шаҳри ва вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Боғишамол туманида самарали ишлаган, етмишинчи баҳорини қарашилаёган Азиз ака бутун тажрибаларини ёш ҳамкасбларига ўргатади. Мустақил юртимизнинг янги қонунларини шарҳлаб вилоят, шаҳар газеталарига мақолалар ёзади. Маҳаллаларда маърифий-маданий ишларни амалга оширишга сидқидилдан ёндошади, кўмаклашади.

Маҳалладаги ихчамгина тоза ва озода ҳовлида Азиз ака билан суҳбатимиз қўр олди. Болгария, Руминия, Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ мамлакатларига қилган сафарлари

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 25.805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги М.Ч.Ж. «Яшинсан» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 45-30-39 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн Бош директорининг ўринбосари, бош муҳандис Одил Раҳимович Раҳимова онаси
Гавҳаржон ая ФАТХУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқаро Телеком» акционерлик компанияси жамоаси «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясининг бош директори К. Р. Раҳимова онаси
Гавҳаржон ая ФАТХУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компаниясининг жамоаси, Компаниянинг бош директори К. Р. Раҳимова ва унинг оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари
Гавҳаржон ая ФАТХУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари жамоаси таҳририят ходими Мунира Азимовага синглиси
Нилуфар АЗИМОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Муҳтарам юртдошлар!
ОТАЖ
«Шифобахш булоқ»
(Тошкент маъданли сув қуйиш корхонаси) ўз маҳсулотлари — «Тошкент» ва «Зангиота» маъданли сувлари учун ташкилотларни 28 февралгача 1999 йилги шартнома тузишга таклиф этади. Маҳсулотимиз экологик энг тоза ва шифобахшлиги билан бошқа ташкилотлар маҳсулотидан тубдан фарқ қилади. Корхонамиз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг.
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан!
700084 Тошкент шаҳар, Х. Асомов, кўчаси 1-уй. (Семашко клиникаси ёнида)
Тел: 34-57-91, 34-55-79, 55-06-11, 55-09-40

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55